

ԻՆՎԵՆՐԱ ՄՄԿԱՄԵԾՈՅԱ

ԾԱՊՈՐ ՆՐՏԱԻՄՈՒ  
ԱՆՓՇՈՍԻ




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

Муҳамедова Гулчеҳра Муродовна

## ДУТОР ЎРГАНИШ АЛИФБОСИ

*Муסיқа ва санъат мактабларининг  
бошланғич синф ўқувчилари учун  
ўқув қўлланма*



«Musiq» нашриёти  
Тошкент  
2010

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

*Масъул муҳаррир:*

**Б.Ш.Ашуров** – Ўзбекистон давлат консерваторияси аспиранти

*Тақризчилар:*

**С.К.Каримов** – Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика musiқа коллежи,  
педагогика амалиёти бўлим мудир, «Меҳнат шуҳрати» ордени ва «Таълим  
аълочиси» кўкрак нишони совриндори

**С.С.Қосимов** – Ҳ.Ҳ.Ниёзий номидаги Республика musiқа коллежи  
«Дутор синфи» бош ўқитувчиси, Республика танловлари совриндори

**Ф.Ж.Мўминова** – Хоразм вилояти, Урганч санъат коллежи, педагогика  
амалиёти бўлим мудир, «Дутор синфи» бош ўқитувчиси

Ушбу ўқув қўлланма бошланғич синф ўқувчисига дутор ўрганиш учун биринчи босқич ҳисобланади. Ўқувчига musiқий асар мазмунини тушуниб ижро этишни ўргатиш учун мўлжалланган бу қўлланмада дутор зарблари ва уларнинг тўғри ижроси услубий кўрсатмалари ҳамда musiқа назариясининг бошланғич даврда билиш лозим бўлган маълумотлар берилган.

## **СЎЗ БОШИ**


Президентимиз И.А.Каримовнинг «Муסיқа ва санъат мактабларига эътиборни кучайтириш» ҳақидаги қарори мутахассис ўқитувчиларни шу соҳанинг ривожига ҳисса қўшишга чақиряпти. Чунки комил инсон тарбиясида муסיқанинг ўрни жуда катта. «Баркамол авлод – юртимиз келажагидир». Шундай экан, ўзимизнинг ҳаётий тажрибаларимиздан келиб чиқиб, қўлингиздаги ушбу қўлланмани тавсия этишга қарор қилдик.

Мураббий бўлиш учун ўқувчига билим беришни астойдил хоҳлаш ва унинг учун тинмай ўз устида ишлаш лозим. Ҳар бир ишни фидоийлик билан бажариш – мураббийнинг асосий вазифасидир.

*Муаллиф*

## НОТА НИМА?


Муסיқа товушларининг ёзилиш белгиларига *нота* дейилади.



Ноталар бешта асосий ва ёрдамчи чизиқлар устига ва оралиғига ёзилади.



Дутор учун ноталар асосан *скрипка* калитида ёзилади. Бунда, иккинчи чизиқда «*соль*» нотаси туришини билдиради.




Ноталарни беш чизиққа ва чизиқлар орасига жойлашиш тартиби:



До ре ми фа соль ля си до


Дутор пардаларида ноталарнинг жойлашиши

Дуторнинг биринчи очик тори *ля*



Ля си до ре ми фа соль ля

Иккинчи тори *ми*



Ми фа соль ля си до ре ми

Дутор товушлари ёзилишига қараганда **бир октава паст** эшитилади.

### Ноталарнинг бўлиниши

Бутун нота 1 и 2 и 3 и 4 и



Яримталиқ нота 1 и 2 и




Чоракталиқ нота 1 и



Нимчоракталиқ нота «1» га ёки «и» га саналади



16 талиқ нота иккитаси «1» га ёки «и» га саналади



## Муסיқий тасаввур

Муסיқа инсон ҳиссиётини, фикрини, табиат манзараларини тасвирлайди. Ҳар бир яратилган муסיқий асарнинг аниқ мазмуни бор. Шу мазмунига қараб, инсон кайфиятига таъсир қилади. Шўх куйлар кайфиятни кўтариб, тезроқ ҳаракатланишга ундаса, сокин суръатдаги муסיқа аксинча, ҳаракатни сусайтиради.

## Азиз Ватаним



Э.Мусабеков муסיқаси

Moderato

Musical score for the song "Aziz Vatanim" by E. Musabekov. The score is written in 2/4 time and marked "Moderato". It consists of a vocal line (treble clef) and a piano accompaniment (grand staff). The vocal line begins with a rest for two measures, followed by a melody of eighth and quarter notes. The piano accompaniment features a rhythmic pattern of eighth notes in the right hand and a bass line in the left hand. There are some performance markings like accents and slurs in the score.

The image displays a musical score for the piece "Aziz Vatanim" (My Dear Motherland). It is arranged for voice and piano. The score consists of four systems of staves. The first system includes a vocal line and a piano accompaniment. The second system continues the vocal and piano parts. The third and fourth systems feature a vocal line with first and second endings and a piano accompaniment. The piano part includes various rhythmic patterns, including eighth and sixteenth notes, and rests.


Бу Э.Мусабеков томонидан дутор учун яратилган «Азиз Ватаним» асари бўлиб, унда ўзига ишонч ва ўз ватанига содиқлик ҳисси билан, байрамона кайфиятда ижро этишга ундайди.

Шунингдек, мусиқий асарларда табиат манзараларини, қор бўронларини, ёмғир ёғишини ёки сокин шамол эсишини, ҳатто, қушларнинг сайрашини ҳам таърифлаш мумкин.




Музикий асарлар фразаларга бўлинади ва ҳар хил характерда бўлади. Масалан, турғун бўлмаган товушда тугалланган фраза савол беради ва турғун товушда тугалланган фраза эса саволга жавоб беради.

Ибора турғун эмас



Ибора турғун



### Куй товушларининг ҳаракати

Куй хилма-хил баландликдаги товушлардан тузилади. Бирорта товуш ўзгарса, куй ҳам ўзгаради. Ва ҳар бир куйнинг ҳаракати ҳар хил бўлади.

Товушлар сакраши ва текис ҳаракатда бўлиши мумкин.

Биринчи фраза

Иккинчи фраза




Юқоридаги кичик куйда тўртта нота иштирок этган. Биринчи фразада унинг ҳаракати босқичма-босқич ва сакрашлардан иборат. Иккинчи фразада эса, биринчи нотадан тўртинчи нотага сакраган ва орқага текис ҳаракат билан қайтиб, турғун товушда тугаган.

### Товуш чўзимлари

Куй товушларининг чўзимлари ҳам ҳар хил бўлади. Бири давомли узун чўзилса, иккинчиси қисқа чалинади.

Узун-қисқа товушлар галма-гал келганда уларни фарқлай билишни ўрганиш лозим.



### Музиқада динамик белгилар

Музиқада товуш кучи хилма-хилдир.

Қаттиқ чалиниши – *f* форте.

Жуда қаттиқ – *ff* фортессимо.

Паст юмшоқ чалиш – *p* пиано.

Жуда юмшоқ паст – *pp* пианиссимо.


Ўртача товушда чалиш эса *mf* меццо форте ёки меццо пиано.

Товуш кучи кучайиб бориши мумкин.

Товуш кучи кучайса *крешэндо* дейилади.



Кучсизланиб бориши эса *диминуэндо* дейилади.



> – (акцент белгиси) шу белги билан ифодаланган нота урғу бериб чалинади.

Юқорида айтиб ўтилган белгилар қўйилмаган бўлса ҳам, тактда кучли ва кучсиз ҳиссали ноталар бўлади.

Масалан:

Такт чизигидан кейинги биринчи нота кучли ҳиссали товушдир.

Қаттиқ уриб чалиниши керак бўлган товушлар **кучли ҳиссали** товушлар дейилади.

Енгил – кучсиз чалиниши керак бўлган товушлар эса **кучсиз ҳиссали** товушлар дейилади.


Демак, товушларнинг кучи ҳам ҳар хил, бири қаттиқ, кучли, бири эса енгил, кучсиздир.




### Такт чизиги

Бешта чизиққа ноталар ёзишни бошлашдан аввал калитлар қўйилади, сўнгра ўлчов белгилари қўйилади. Ўлчов белгиси иккита сондан иборат бўлиб, юқоридагиси сон миқдорини, пастдагиси эса ўлчовини билдиради. Яъни, саногии 2та чоракталик нотага тенг бўлганда, такт чизиги чизилади. Такт чизиги 5та чизиққа юқоридан пастга қараб чизилади.

Масалан:



Ўлчов  $\frac{3}{4}$  бўлса, учта чоракталик нотанинг чўзими узунлигига тенг бўлганда, такт чизиги чизилади. Бунда кучли ва кучсиз ҳиссалар бир текисда алмашилиб келади.



Кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг бирин-кетин алмашилиб келиши мусиқий асарнинг ўлчовини келиб чиқишини таъминлайди.

1. Кучли-кучсиз бундай ўлчов оддий икки ҳиссали ўлчов  $\frac{2}{4}$  дейилади.

2. Кучли-кучсиз-кучсиз бўлиб келган ҳиссалар эса уч ҳиссали  $\frac{3}{4}$  ўлчов

дейилади. Булардан ташқари, мураккаб ўлчовлар ҳам бор, унда кучли ҳиссалар икки ва ундан ортиқ бўлади.

## Суръат

Суръат – бу ҳаракат тезлиги, куй ҳаракатининг тезлигидир.


Тошбақанинг ҳаракати сокин



Ит эса тез югуради



Самолёт жуда тез учади









Суръат куйнинг мазмуни ва характериға боғлиқдир.

Масалан: алла – сокин суръатда айтилади, рақс – тез суръатда чалинади.

## Паузалар ёки тиниш белгилари

Паузалар ҳам ноталардек ўз узунлигига эга. Пауза вақтида саноқ саналади, товуш чиқарилмайди.




## Дутор ўрганиш учун услубий белгилар

n – пастга панжа билан овоз ёки товуш чиқариш белгиси.

v – юқорига бош бармоқ билан товуш чиқариш белгиси.

Нота ёнига нуқта белгиси қўйилган бўлса, шу нота яна ярмига узаяди.




№ 1

**Санаб чалиш учун машқлар.**




№ 2




**Модерато**

№ 3



№ 4




№ 5




**Енгил**


№ 6




№ 7




№ 8




### Сокин



### Шошилмасдан



### Шошилмасдан



### Ўртача



Дутор пардалари оралиғи ярим тонлардан иборат


### Альтерация белгилари



Диез белгиси нотани ярим тон кўтариб чалишни билдиради.



Бемоль белгиси ярим тон паст чалишни билдиради.






Бекор белгиси эса ўз ҳолича чалишни билдиради. Яъни олдинги # ёки b ни бекор қилади.



### Жамалак-жамалак

**Allegro**



Дутор-альт, Дутор-тенор ва миллий дуторлар ноталари ёзилишига қараганда, товушлари бир октава паст эшитилади.

Куй вазнларини лотин ва ўзбек тилларида ёзиш қабул қилинган.


Б.б – бош бармоқ, билан пастга *pizz.*, яъни пиццикато чалиш белгисидир.

II – иккинчи, яъни ми торида чалиш лозимлигини билдиради.

### Мушукча

*Болалар қўшиғи*

**Тез**



### Ой, ду-ду

*Рус халқ қўшиғи*

**Moderato**



# Қиш келди

Г. Мухамедова муסיқаси

## Ўртача

pizz.

Musical notation for the piece 'Қиш келди' (Winter has come). It consists of two staves of music in 2/4 time. The first staff begins with a 'pizz.' (pizzicato) marking. The melody is simple and rhythmic, with a key signature of one sharp (F#).



# Молдова халқ қўшиғи

## Шўх

pizz

Musical notation for the piece 'Молдова халқ қўшиғи' (Moldovan folk song). It consists of two staves of music in 2/4 time. The first staff begins with a 'pizz' (pizzicato) marking. The melody is more complex and rhythmic than the first piece, with a key signature of three sharps (F#, C#, G#).

# Фабрика

Ғ. Қўчқоров қайта ишлаган

## Ўртача

*mf*

Musical notation for the piece 'Фабрика' (Factory). It consists of two systems of music. Each system has a vocal line and a piano accompaniment. The piano part is in 6/8 time. The first system includes a 'mf' (mezzo-forte) marking. The melody is rhythmic and features several 'V' markings above the notes, indicating accents.



**Рақс**

Г. Муҳамедова мусиқаси


**Тез**



## Куй

Н. Бакланов муסיқаси

### Оҳиста



Дутор пардаларининг биринчи очик торигаги «ля» нотасидан ўн иккинчи пардадаги «ля» гача соф ноталарни босиб чалинса, «ля минор» товушқатори келиб чиқади.

### Лад ва тонликлар

Муסיқий асарларда товушлар шунчаки ёзиб қўйилмаган. Улар бир-бири билан боғлиқ тизимдадир. Шунинг учун ҳам куй мазмунан фикрли ва ҳис-ҳаяжонлидир. Ҳар бир куйда бир асосий парда борки, у аниқ ва турғундир. Шу куйни бошқа товушларининг ҳаммаси асосий турғун товушга қараб тортилади. «Лад» деганда турғун товушга қараб тизилган товушқатор тушунилади. Ладсиз куй бўлмайди.

Ҳар бир куйнинг ўз аниқ турғун товуши бўлади. Шу товушда куйнинг тугалланиши шарт, уни тонлик дейилади.

Мажор лади шўх, ёруғ, ишонч билан жўшқин ижро этилади.

Ғамгин, мунгли, юмшоқ, паст товушда ижро этилиши эса, минор лади дейилади.

Бир куйнинг ўзида, мазмунига қараб лади ўзгариши мумкин. Масалан: ғамгин куйдан шўхга ўтиш мумкин ёки тескариси.

Лад товушқатори баландлигига қараб, бирин-кетин тузилган.



Масалан: Тоникаси до бўлса, лади мажор бўлса, «до мажор» тонлиги деймиз.

### Ҳар хил зарблар билан гаммалар чалиш

Дутор чалишнинг ўз қонун-қоидалари бор. Чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари ўртасида дутор дастаси бўш бўлиши, кафт эса дастага тегмаслиги лозим. Қўл дастага тўғри қўйилиши, бармоқлар тўғри ҳаракатланиши, чап қўл бармоқлари билан парда бўлинган жой яқинига босиб чалиш, мақсадга мувофиқдир.


**П** – пастга панжа билан ва юқорига **В** – бош бармоқ билан товуш чиқаришда товуш кучи бир хил бўлишига эришиш зарур.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун гамма чалишда қўл ва бармоқларга катта эътибор бериш, гамма ва машқларни ҳар куни чалиш лозим. Бу эса бадийий ифодали чалиш кўникмаларини тарбияловчи восита ҳисобланади.





Мажор тонликлари:

1 т, 1 т, 0,5 т, 1 т, 1 т, 1 т, 0,5 тондан иборат



Минор тонликлари:

1 т, 0,5 т, 1 т, 1 т, 0,5 т, 1 т, 1 т






### Ля минор гаммаси

№ 1




Музыкальная партитура № 1, ля минор гаммасы. Музыка записана на трёх пятилинейных нотных станах в 2/4 такте. В начале первой строки указаны знаки пальцев: п, п, V, п, V, п, п, V, п, V. Музыка состоит из ритмичных фигур, включающих восьмые и шестнадцатые ноты, а также аккорды.

№ 2




Музыкальная партитура № 2, ля минор гаммасы. Музыка записана на трёх пятилинейных нотных станах в 2/4 такте. В начале первой строки указаны знаки пальцев: п, п, V, V, п, V, п, п, V, V, п, V. Музыка состоит из ритмичных фигур, включающих восьмые и шестнадцатые ноты, а также аккорды.





№ 3










№ 4 *tr*



№ 5





Юқоридаги хилма-хил ритмик чўзимлардан тузилган гаммалар чалишда товуш кучини ошириб ва пасайтириб бориш ҳамда бошқа динамик туслар бериб чалишнинг аҳамияти каттадир. Гамма чалишдан асосий мақсад – товуш чиқариш сифатини яхшилашдир.

Муסיқа мактаби ўқувчилари учун гаммалар чалиш айниқса муҳимдир.

Гамма чалишнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ўнг ва чап қўл мутаносиблиги ривожланади, чап қўл бармоқларининг техник имконият даражаси

ошиб боради. Албатта ҳар бир гамманинг учтовушлигини ҳам чалиш лозим. Учтовушликлар 1-3-5 босқичлардан тузилишини тушунтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

### Учтовушликлар

Учтовушликлар 4 хил бўлади.

**Мажор учтовушлиги** катта терция ва кичик терция интервалларидан тузилади. **Минор учтовушлиги** кичик терция ва катта терция интервалларидан тузилади.

**Орттирилган учтовушлик** иккита катта терциядан тузилади

**Кичрайтирилган учтовушлик** эса иккита кичик терциядан тузилади.

Улар оралиқ тонликлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Дутор пардалари оралиқлари ярим тондан иборат бўлса, мажор учтовушлиги 2 тон ва 1,5 тон оралиғида тузилади.

### Асарлар устида ишлаш услубияти

Кичик бир мусиқий асарни ижро этиш учун ҳам, унинг тилини тушуниш лозим. Бунинг учун асар ёзилган даврни аниқлаш, шу халқ ёки композиторнинг ҳаёти ва ижодини, яшаш тарзини, ўрганиш лозим.

Ундан ташқари, мусиқий тилни тушуниш воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

1. Асарнинг жанри фактураси (вальсми, маршми, рақсми ва ҳоказо).

2. Метро-ритм усул тушунчаси.

3. Тембр, товуш тембри тушунчаси.

4. Динамика товуш кучи тушунчаси.

5. Лади ва тонлиги товушқатор тушунчаси.

Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, хаёлий тасаввуримизни воқеага айлантириб, ўқувчига гапириб беришимиз, кейинчалик ўқувчининг ўзини шу йўсинда, билимга таянган ҳолда хаёлан тасаввур қилишга ўргатиш ва шундагина асарнинг мазмунини тўлиқ очиб ижро этиб бера оладиган кичик ижрочини тарбиялаш мумкин.

### Бошланғич синфларда тескари ва уфори зарбларнинг энг оддий кўринишларини ўрганиш услуби

**Тескари зарб** – деганда кучли ва кучсиз ҳиссаларнинг ўрни ашлмашиниб келиши тушунилади. Бир кучли ҳиссали, яъни оддий ўлчов  $\frac{2}{4}$ .

П – пастга панжа билан зарб.

V – юқорига бош бармоқ билан зарб.

V – яна юқорига кўрсаткич бармоқ билан.

П – пастга панжа билан.

V – юқорига бош бармоқ билан.

V – юқорига кўрсаткич бармоқ билан.

П – пастга панжа билан.

V – юқорига бош бармоқ билан чалиб товуш ҳосил қилинади.

Бунда 1- 4- 7-зарблари кучли бўлиши лозим.

Тескари зарбларнинг яна бир неча турлари бор. Масалан:

> > > >

П П V П V V П V бунда ҳам тескари зарбнинг кучли ҳиссалари юқоридагидек. Юқоридан пастга, яъни панжа билан чалинадиган зарблар кучли бўлиши лозим.

Бундай тескари зарблар куйни безаб чалиш учун қўлланилади.

Юқоридаги энг оддий тескари ва уфори зарбларни 1-3 синфларда ўрганиш мумкин.

**Уфори зарб.** Зарб номи доира усулидан олинган бўлиб, пастга панжа билан ва юқорига бош бармоқ билан уфори усулини чалиб, товуш ҳосил қилинади.

П б п б п б  
П V П V П V

$\frac{6}{8}$  Ўлчовлик иккита кучли ҳиссадан иборат, яъни мураккаб ўлчовда ёзилади. Масалан:

П б п п п  
П V П П П

Буни мана бундай ёзиш ҳам мумкин:  $\frac{6}{8}$

1. п б п п ппбб

п v п п ппv

2. п б п б ппбб

п v п v ппv

## Тескари зарблар учун машқлар

### 1. Табриклайман

Moderato

Н. Ҳасанов мусиқаси

Musical notation for '1. Табриклайман' (Moderato). The piece is in 6/8 time and consists of two staves of music. The notation includes rhythmic markings (P, V) above the notes, indicating the placement of the hand for the 'teskari' (back) drum strokes.

### 2. Дилноз

Allegro


О. Қосимов мусиқаси

Musical notation for '2. Дилноз' (Allegro). The piece is in 6/8 time and consists of two staves of music. The notation includes rhythmic markings (P, V) above the notes, indicating the placement of the hand for the 'teskari' (back) drum strokes.

### 3. Дутор баёти

Ўзбек халқ мусиқаси

Allegro




### Уфори зарбга машқлар

#### 1. Чаққон ўйна

Шўх


М.Эргашев мусиқаси



#### 2. «Лола рақси»

Шўх

С. Карим-Ҳожи



#### 3. Уфор

Ўзбек халқ мусиқаси

Шўх



#### 4. Чаманда гул

Allegro



x – чертиш белгиси



*Мен албатта дутор чалишни ўрганаман...*

### Такт олди

«Такт чизиги» мавзусида, кучли ва кучсиз ҳиссалар ҳақида айтиб ўтилган эди. Баъзан мусиқий асар кучсиз ҳиссадан бошланади. Фразанинг бошланиши кучсиз бўлса, у такт олдидан бошланди, деб тушуниш лозим. Бундай бошланган мусиқий асарнинг бошидаги тактолди асарнинг охирида тўлдирилади. Мисол учун машқлар:

#### 1. Рақс

Allegro

А. Даргомижский



#### 2. Узоқ юртдан

Moderato


А. Крилусев



#### 3. Прелюдия

Moderato

Ф. Шопен



Дутор зарбларини ўрганишда давом этамиз.

### Рез, билак зарб, терма зарб, пирранг

**Рез** икки хил бўлади. Биринчиси балалайкадан кириб келган бряцание, яъни кўрсаткич бармоқ билан (ўнг қўл) нотани чўзиб туриши лозим.

п в п в п в п в п в п в п

Иккинчиси ўзбекча рез бўлиб бунда кўрсаткич ва бош бармоқ **пп** пастга, бош ва кўрсаткич бармоқ **vv** юқорига, бир текис чалиш натижасида нота чўзиб турилади.

П – кўрсаткич бармоқ билан пастга.

П – бош бармоқ билан пастга.

V – бош бармоқ билан баландга.

V – кўрсаткич бармоқ билан баландга чалинади.

Бунда қўл текис ҳаракат қилиши ва ноталар ораси бир хил бўлиши лозим.

Рез, яъни тремоло асосан куй тугалланаётганда чалинади ҳамда қардош халқлар ёки жаҳон халқлари куйларида кўп учрайди.

Яна бир зарб, бу зарбни **билак зарб** ёки «панжа» ҳам дейиш мумкин. Бунда ўнг қўлни 4, 3, 2, 1 бармоқлари билан «**п**» пастга зарб уриб, товуш ҳосил қилинади.

Бош бармоқ иштирок этмайди. «Билак зарб» учун мисол, белгиси «**п**».

### Чаққон ўйна



к б б к

п п в в бу зарбни сокин вазнда чалинса, терма зарб ҳосил бўлади.

К п – пастга кўрсаткич бармоқ билан.

б п – пастга бош бармоқ билан.

б в – юқорига бош бармоқ билан.

к в – ва яна юқорига кўрсаткич бармоқ билан чалинади.

к б б к к б б к к б б к

п п в в п п в в п п в в

Юқорида айтиб ўтганимиздек, терма зарбни тезлаштириб чалинса, рез ҳосил бўлади.


Юқорида кўрсаткич ва бош бармоқларда рез қилишни ўргандик. Энди пирранг зарбини рездан узиб олиб чалишни ўрганамиз.

П – кўрсаткич бармоқ билан пастга зарб.

П – бош бармоқ билан ҳам пастга зарб.

V – бош бармоқ билан юқорига зарб, V – кўрсаткич бармоқ билан ҳам юқорига зарбни тез чалиш натижасида **пирранг зарби** ҳосил бўлади.

Нотада бундай ёзилади:



## Этюд

**Этюд** сўзи – италян тилида ўрганиш маъносини билдиради.

Этюдлар икки хил бўлади.

Биринчиси, ўрганиш маъносида келувчи, яъни ижро маҳоратини оширувчи этюдлар.

Иккинчиси, концерт этюдларидир.

Концерт этюдларини ижро этишда худди куйлардагидек маъно-мазмунини очиб бериш талаб қилинади. Бундан шуни тушуниш лозимки, биринчи хил этюдларда техник маҳоратни ошириш ўрганилса, иккинчи хил этюдларда ижро маҳоратини ошириш мумкин экан.

Этюдларни ўрганиб олгандан сўнг доимий равишда чалиб юрсагина, юқоридаги имкониятларга эришилади.

Этюдларни ўрганишда ҳам бадий асарлар устида ишлагандек, асарнинг барча жиҳатлари: **позиция** – қўлни дутор дастасидаги ҳолати, **аппликатура** – пардаларда бармоқларнинг жойлашуви, **динамика** ва бошқалар бир варакайига олиб борилади.

## Муסיқа ўқитувчисига эслатмалар

Муסיқада миллат, тил йўқ. У қайси халқ ёки композитор томонидан ижро этиладиган ёки яратиладиган бўлса ҳам, ҳаммага тушунарлидир. Ифодали ижро этиш йўлларини ўқувчиларга ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифасига киради.

Скрипкачи Д.Ойстрахнинг «Бир асарни бир неча йиллаб чалиш, шу асарнинг ичида яшаш ва уни ҳис қилиш лозим», дегани бежиз эмас.

Ижрочилик маҳоратини ошириш борасида бажариладиган вазифалар шулардан иборат. Гаммалар чалишда хилма-хил ритмик усуллар ва товуш кучини бошқариб бориш мақсадга мувофиқ.

Машқлар эса қийин аппликатурали қисмларни, кенг пардаларда сакраб чалиш, мураккаб усулларни чалиш, ижро безакларини ва бошқа вазифаларни ўзлаштиришга имкон яратади.

Муסיқа мактаби ўқувчилари ўзлари сезмаган ҳолда уч хил йўлда тарбия оладилар:

- 1) биринчиси муסיқачи – ижрочи;
- 2) иккинчиси муסיқачи – ўқитувчи;
- 3) учинчиси эса муסיқани яхши тушинувчи бошқа касб эгасидир.

Шундай экан, ўқувчининг имкониятига қараб ўргатиш услубини ҳам учга бўлиш лозим:

Илғор ўрганиш усули.

1) бунда ўқувчининг қобилияти ҳар томонлама аъло ва меҳнатсевар бўлиши лозим.

2) муסיқачи ўқитувчини тайёрлаш.

Бу хил мутахассис тайёрлаш учун ўқувчида қобилият ўртача бўлса ҳам, меҳнатсеварлик, тиришқоқлик устун бўлиши шарт.


3) осонроқ йўлда ўргатиш услуби, десак хато бўлмайди. Чунки ўқувчида қобилият пастроқ, лекин ўқишни хоҳлайди.

Муסיқий асарларнинг нота намуналари

Moderato

Эстон халқ қўшиғи


В. Мельников



Рус халқ қўшиғи

Moderato


А. Дорожкин



Латиш халқ қўшиғи

Allegro

В. Попонов



### Тоғлар оша

Шўх

Русхалқ қўшиғи

Musical score for 'Тоғлар оша' (The Mountains are Singing). It consists of two staves of music in 4/4 time, key of D major. The first staff has several measures with 'V' markings above them. The second staff continues the melody.

### Болалар қўшиғи

В. Лобов

Жонли

*pizz.*

Musical score for 'Болалар қўшиғи' (Children's Song). It consists of two staves of music in 2/4 time, key of D major. The first staff has a 'pizz.' marking. The second staff has 'V' markings above several measures and a 'rit.' marking at the end.

### Ҳикоя

М. Белавин

Жонли

*mf*

Musical score for 'Ҳикоя' (Story). It consists of two systems of piano accompaniment in 2/4 time, key of D major. The first system has a 'mf' marking. The second system continues the accompaniment. Both systems feature a bass line with a slur and a treble line with a 'x' marking.

Moderato

Ёқут халқ қўшиғи

1-этюд

Г. Муҳамедова

2-этюд

Г. Муҳамедова

3-этюд



Г. Муҳамедова

1-этюд

В. Чунин



2-этиюд




Маккажӯхори олтин дони

Г. Кингстея

Allegro-Moderato

В. Глейхман қайта ишлаган



*Pizzicato* услубида чалиш ўқувчининг имкониятига қараб битталиқ ёки иккиталиқ бўлиши мумкин. **Битталиқ** пастга бош бармоқ билан товуш ҳосил қилиш, **иккиталиқ** пастга ва баландга бош ва кўрсатгич бармоқлар билан товуш ҳосил қилинади.

stacc.sempre

The first system of music consists of three staves. The top staff is a single treble clef staff with a key signature of one sharp (F#) and a melody of eighth notes. The middle and bottom staves are grouped as a grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one sharp. The bass line consists of eighth notes, and the right hand of the grand staff has chords and some eighth notes.

The second system of music consists of three staves. The top staff is a single treble clef staff with a key signature of one sharp (F#) and a melody of eighth notes. The middle and bottom staves are grouped as a grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one sharp. The bass line consists of eighth notes, and the right hand of the grand staff has chords and some eighth notes.

stacc.sempre

The third system of music consists of three staves. The top staff is a single treble clef staff with a key signature of one sharp (F#) and a melody of eighth notes, including some notes with sharp signs. The middle and bottom staves are grouped as a grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one sharp. The bass line consists of eighth notes, and the right hand of the grand staff has chords and some eighth notes.

The fourth system of music consists of three staves. The top staff is a single treble clef staff with a key signature of one sharp (F#) and a melody of eighth notes, including some notes with sharp signs. The middle and bottom staves are grouped as a grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one sharp. The bass line consists of eighth notes, and the right hand of the grand staff has chords and some eighth notes.

The first system of the musical score consists of three staves. The top staff is a single treble clef line with a key signature of one sharp (F#) and a melody of eighth and sixteenth notes. The middle staff is a grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one sharp (F#). The bass line is a steady eighth-note accompaniment. The treble part features chords and some longer notes.

The second system of the musical score consists of three staves. The top staff is a single treble clef line with a key signature of one sharp (F#) and a melody of eighth notes. The middle staff is a grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one sharp (F#). The bass line is a steady eighth-note accompaniment. The treble part features chords and some longer notes.

The third system of the musical score consists of three staves. The top staff is a single treble clef line with a key signature of one sharp (F#) and a melody of eighth notes. The middle staff is a grand staff (treble and bass clefs) with a key signature of one sharp (F#). The bass line is a steady eighth-note accompaniment. The treble part features chords and some longer notes. At the end of the system, there is a dynamic marking *8vb* followed by a dashed line and a bracket.



# Омон ёр

Ўзбек халқ куйи

Жонли

Фортепиано жўрлиги И. Матёқубовники

The first system of the musical score for 'Omon ёr' consists of three staves. The top staff is a single treble clef with a key signature of one sharp (F#) and a 6/8 time signature. It contains a melody with several measures, some marked with 'V' and 'п' above the notes. The middle and bottom staves are a grand staff (treble and bass clefs) with a 6/8 time signature, providing a piano accompaniment with chords and a bass line.

The second system of the musical score for 'Omon ёr' continues the three-staff format. The top staff melody concludes with a 'rit.' (ritardando) marking. The piano accompaniment in the grand staff continues with similar harmonic and rhythmic patterns.

# Жўжжим айтаман

Хоразм халқ кўшиғи

Мунгли

Фортепиано жўрлиги И. Матёқубовники

The musical score for 'Juzjim aytaman' consists of three staves. The top staff is a single treble clef with a key signature of two sharps (F# and C#) and a 6/8 time signature. The melody is marked with 'V' and 'п' above the notes. The middle and bottom staves are a grand staff (treble and bass clefs) with a 6/8 time signature, providing a piano accompaniment.

rit.

**Хива дудори**

Хоразмхалқ қўшиғи

Шўх

Фортепиано жўрлиги И. Матёқубовники

rit.

rit.

Насри Сегоҳ  
(«Сегоҳ мақомидан»)

Moderato

Фортепиано жўрлиги И. Матёқубовники

The first system of the musical score consists of two staves. The upper staff is a single treble clef staff with a common time signature (C). It features a series of chords, many of which are marked with a 'V' above them, indicating vibrato. The lower staff is a grand staff (treble and bass clefs) with a common time signature (C). It contains a melodic line in the treble clef and a bass line in the bass clef, with some notes beamed together.

The second system of the musical score consists of two staves. The upper staff is a single treble clef staff with a common time signature (C). It features a series of chords, many of which are marked with a 'V' above them, indicating vibrato. The lower staff is a grand staff (treble and bass clefs) with a common time signature (C). It contains a melodic line in the treble clef and a bass line in the bass clef, with some notes beamed together.

The third system of the musical score consists of two staves. The upper staff is a single treble clef staff with a common time signature (C). It features a series of chords, many of which are marked with a 'V' above them, indicating vibrato. The lower staff is a grand staff (treble and bass clefs) with a common time signature (C). It contains a melodic line in the treble clef and a bass line in the bass clef, with some notes beamed together. The system concludes with two first and second endings, marked '1.' and '2.'.

Moderato

Ажам 2

Ўзбек мумтоз муסיқаси

The first system of the musical score for 'Ajam 2' consists of three staves. The upper staff is a single treble clef staff with a 2/4 time signature. It features a series of chords, many of which are marked with a 'V' above them, indicating vibrato. The middle and lower staves are also treble clef staves, with the middle staff containing a melodic line and the lower staff containing a bass line. The system concludes with a fermata over the final note.

# Муножот

Ўзбек халқ куйи  
Фортепиано жўрлиги И.Матёқубовники

Moderato

The musical score is written for voice and piano. It consists of four systems of staves. The first system includes a vocal line with a treble clef and a piano accompaniment with grand staff notation (treble and bass clefs). The key signature is one sharp (F#) and the time signature is common time (C). The tempo is marked 'Moderato'. The second system continues the vocal and piano parts. The third system also continues the vocal and piano parts. The fourth system concludes the piece with a 'rit.' (ritardando) marking above the vocal line. The piano accompaniment features a steady eighth-note bass line and chords in the right hand.

# Муножот мўғулчаси

Ўзбек халқ куйи

Moderato

Фортепиано жўрлиги И.Матёқубовники

The first system of music consists of three staves. The top staff is a single melodic line in treble clef with a key signature of one sharp (F#) and a common time signature (C). It begins with a quarter note G4, followed by eighth notes A4, B4, and C5, then a quarter rest, and continues with eighth notes D5, E5, and F#5. The middle and bottom staves are grand piano accompaniment. The middle staff (treble clef) features a series of chords, some with slurs and ties, and a fermata over the final chord. The bottom staff (bass clef) has a simple eighth-note accompaniment.

The second system continues the piece with three staves. The top staff has a quarter rest followed by eighth notes G4, A4, B4, and C5. The middle and bottom staves continue the piano accompaniment with chords and eighth notes.

The third system continues with three staves. The top staff has eighth notes G4, A4, B4, and C5. The middle and bottom staves continue the piano accompaniment.

The fourth system concludes the piece with three staves. The top staff has eighth notes G4, A4, B4, and C5, followed by a quarter rest. The middle and bottom staves continue the piano accompaniment. The word "rit." is written above the top staff in the second measure of this system. The piece ends with a double bar line.

### Муножот қашқарчаси

Moderato

Ўзбек мумтоз мусиқаси

Musical score for 'Муножот қашқарчаси' in 2/4 time, key of D major. It consists of three staves of music. The first staff begins with a treble clef, a key signature of one sharp (F#), and a 2/4 time signature. The music is characterized by a steady eighth-note accompaniment with occasional sixteenth-note patterns. Above the first staff, there are several 'V' markings indicating vibrato. The second staff continues the piece with similar rhythmic patterns. The third staff concludes the piece with a 'rit.' (ritardando) marking above the final notes, which end with a fermata.

### Фарғонача рез

Ўзбек мумтоз мусиқаси

Allegro-moderato

Musical score for 'Фарғонача рез' in 2/4 time, key of D major. It consists of three staves of music. The first staff begins with a treble clef, a key signature of one sharp (F#), and a 2/4 time signature. The tempo is marked 'Allegro-moderato'. The music features a more active eighth-note accompaniment with frequent sixteenth-note runs. Above the first staff, there are several 'V' markings indicating vibrato. The second staff continues the piece with similar rhythmic patterns. The third staff concludes the piece with a 'rit.' (ritardando) marking above the final notes, which end with a fermata.

### Насруллоий

Бузрук мақомидан

Мунгли

Musical score for 'Насруллоий' in 2/4 time, key of D major. It consists of two staves of music. The first staff begins with a treble clef, a key signature of one sharp (F#), and a 2/4 time signature. The tempo is marked 'Мунгли'. The music features a steady eighth-note accompaniment with occasional sixteenth-note patterns. Above the first staff, there are several 'V' markings indicating vibrato. The second staff concludes the piece with a fermata.

Дилхирож

Шўх, ўйноқи

Ўзбек халқ куйи

Алла

Сокин, куйчан

Рус халқ кўшиғи

Хитой халқ кўшиғи


А. Гедике

Moderato  
pizz.

Татар халқ рақси

Ж. Наимова ёзиб олган




Allegro



Испанча

Moderato


Болалар қўшиғи



Чижик-пижик

Русхалқ кўшиғи



Moderato  
pizz



Украин халқ кўшиғи

В. Золотарёв қайта ишлаган


Шўх



Асп бўламан

Ўзбек халқ кўшиғи



Allegro



Шўх мусиқачи

Н.Филлипенко

Allegretto  
pizz



Musical score for the first system, featuring a vocal line and piano accompaniment in a minor key.

Шом пайти

В. Страхов

Moderato

Musical score for the second system, including the tempo marking "Moderato" and the composer's name "В. Страхов".

Musical score for the third system, featuring a first ending bracket and repeat signs.



Балиқ овида

А.Зверев

Allegretto

The first system of the musical score consists of three staves. The top staff is a single melodic line in treble clef, featuring a key signature of two sharps (F# and C#) and a 2/4 time signature. It includes a first ending bracket labeled '1.' and a second ending bracket labeled '2.'. The middle and bottom staves are piano accompaniment, with the middle staff in treble clef and the bottom staff in bass clef. The piano part includes chords and moving lines in both hands.

The second system of the musical score continues the composition with three staves. The top staff is a single melodic line in treble clef, ending with a dynamic marking of *f* (forte). The middle and bottom staves are piano accompaniment, with the middle staff in treble clef and the bottom staff in bass clef. The piano part features a rhythmic accompaniment with chords and moving lines.



Капалаклар рақси

А.Зверев

Тез, жонли

Musical score for 'Капалаклар рақси' (Butterfly Dance). The score is in 3/4 time and D major. It features a melody in the right hand and a piano accompaniment in the left hand. The melody has two endings, labeled 1. and 2. There are two fermatas (II) under the first two measures of the melody.

Musical score for 'Капалаклар рақси' (Butterfly Dance). This section shows the continuation of the melody and piano accompaniment from the previous system, ending with a double bar line.



Сайр

А.Зверев

Сокин

Musical score for 'Сокин' (Sochin). The score is in 2/4 time and D major. It features a melody in the right hand and a piano accompaniment in the left hand. The melody has two endings, labeled 1. and 2. There are two fermatas (V) under the last two measures of the melody.

rit. (.)



Рақс 1

Ж.Наимова

Allegro

Pizz.

# Рақс 2

Ж.Наимова

**Allegro**

The musical score is written in 6/8 time. The first system features a vocal line with notes and rests, and a piano accompaniment with a treble and bass clef. The tempo is marked 'Allegro'. The second system continues the piano accompaniment.



# Мушукча

Б.Трояновский қайта ишлаган

Moderato

The musical score is written for a piano in 2/4 time with a key signature of one sharp (F#). It consists of two systems. The first system has a treble clef staff with a melody starting on a fortissimo (*ff*) dynamic and moving to a piano (*p*) dynamic, and a grand staff (treble and bass clefs) providing harmonic accompaniment. The second system continues the melody and accompaniment. The score includes various musical notations such as slurs, accents, and dynamic markings.



# Кадриль

И. Тихонов-А. Шалов

Шўх

The first system of the musical score is in 2/4 time. It features a melody in the treble clef and a piano accompaniment in the grand staff. The melody includes a trill (tr) and several accents (v). The piano part consists of chords and a simple bass line.

The second system of the musical score continues the melody and piano accompaniment. It includes repeat signs at the end of both the melodic and piano parts.



## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Б.Раҳимжонов.** О.Қосимов репертуаридан «Дутор наволари» 1-китоб. Т., 1980.
2. **Б.Раҳимжонов.** О.Қосимов репертуаридан «Дутор наволари» 2-китоб. Т., 1982.
3. **А.Ҳамидов.** «Ўзбек анъанавий мусиқа ижрочилиги хрестоматияси». Т., 1995.
4. **М.Тошмуҳамедов.** «Ғижжақда анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш». Т., 1995.
5. **А.Умаров.** «Танбур ижрочилиги хрестоматияси». (Қўлёзма).
6. **С.Карим-Ҳожи.** «Чашма бўйида». Т., 1989.
7. **Қ.Қурбониён.** «Савти дутор». (Қўлёзма).
8. **Ҳ.Нурматов.** «Қашқар рубоби тароналари». Т., 1989.
9. **М.Асилов, Ф.Василев.** «Дутор дарслиги». Т., 1996.
10. **Ҳ.Нурматов.** «Ўзбек халқ мусиқаси». Т., 1996.
11. **Ф.Қўчқоров.** «Дилрабо». Т., 1997.
12. **Ю.Усов.** «Методика обучения игре на духовых инструментах». Москва, 1984.
13. **А.Федотов.** «Методика обучения игре на духовых инструментах». Москва, 1975.
14. **А.Петросянц.** «Най дарслиги». Т., 1963.
15. **М.Тоиров.** «Най дарслиги». Т., 2002.
16. **А.Одилов, А.Лутфуллаев.** «Чанг дарслиги». Т., 2003.
17. **Б.Матёқубов.** «Дамли ва зарбли чолғуларда чалишни ўргатиш услубияти». Т., 2008.
18. **Б.Матёқубов.** «Достон наволари». Т., 2009.

---

---

## МУНДАРИЖА

1. Сўз боши .....	3
2. Нота нима? .....	4
3. Ноталарнинг бўлиниши .....	5
4. Музикий тасаввур .....	6
5. Азиз Ватаним .....	6
6. Куй товушларининг ҳаракати .....	8
7. Товуш чўзимлари .....	8
8. Музиқада динамик белгилар .....	8
9. Такт чизиғи .....	9
10. Суръат .....	10
11. Паузалар ёки тиниш белгилари .....	10
12. Дутор ўрганиш учун услубий белгилар .....	10
13. Санаб чалиш учун машқлар .....	11
14. Альтерация белгилари .....	12
15. Жамалак-жамалак. <i>Ўзбекхалқ кўшиғи</i> .....	13
16. Мушукча. <i>Болалар кўшиғи</i> .....	13
17. Ой,ду-ду. <i>Русхалқ кўшиғи</i> .....	13
18. Қиш келди. <i>Г.Муҳамедова музиқаси</i> .....	14
19. Молдова халқ кўшиғи .....	14
20. Фабрика. <i>Ф.Қўчқоров қайта ишлаган</i> .....	14
21. Рақс. <i>Г.Муҳамедова музиқаси</i> .....	15
22. Куй. <i>Н.Бакланов музиқаси</i> .....	16
23. Лад ва тонликлар .....	16
24. Ҳар хил зарблар билан гаммалар чалиш .....	16
25. Учтовушликлар .....	21
26. Асарлар устида ишлаш услубияти .....	21
27. Бошланғич синфларда тескари ва уфори зарбларнинг энг оддий кўринишларини ўрганиш услуби .....	21
28. Тескари зарблар учун машқлар .....	22
29. Уфори зарбга машқлар .....	23
30. Такт олди .....	24
31. Этюд .....	26
32. Музиқа ўқитувчисига эслатмалар .....	26
33. Музикий асарларнинг нота намуналари .....	27
34. Эстон халқ кўшиғи. <i>В.Мельников</i> .....	27
35. Рус халқ кўшиғи. <i>А.Дорожкин</i> .....	27

36. Латиш халқ қўшиғи. В.Попонов .....	27
37. Тоғлар оша. Рус халқ қўшиғи .....	28
38. Болалар қўшиғи. В.Лобов .....	28
39. Ҳикоя. М.Белавин .....	28
40. Ёқут халқ қўшиғи .....	29
41. Макажўхори олдин дони. Г.Кинстея .....	30
42. Омон ёр. Ўзбек халқ куйи .....	33
43. Жўжжим айтаман. Хоразм халқ куйи .....	33
44. Хива дудори. Хоразм халқ куйи .....	34
45. Насри Сегоҳ. Фортепиано жўрлиги И.Матёқубовники .....	35
46. Ажам 2. Ўзбек мумтоз мусиқаси .....	35
47. Муножот. Ўзбек халқ куйи .....	36
48. Муножот мўғулчаси. Ўзбек халқ куйи .....	37
49. Муножот қашқарчаси. Ўзбек мумтоз мусиқаси .....	38
50. Фарғонача рез. Ўзбек мумтоз мусиқаси .....	38
51. Насруллоий. Бузрук мақомидан .....	38
52. Дилхирож. Ўзбекхалқ куйи .....	39
53. Алла. Рус халқ қўшиғи .....	39
54. Хитой халқ қўшиғи. А.Гедике .....	39
55. Татар халқ рақси. Ж.Наимова ёзиб олган .....	39
56. Испанча. Болалар қўшиғи .....	40
57. Чижик-пижик. Рус халқ қўшиғи .....	41
58. Украин халқ қўшиғи. В.Золотарёв қайта ишлаган .....	41
59. Аспбўламан. Ўзбек халқ қўшиғи .....	41
60. Шўх мусиқачи. Н.Филлипенко .....	41
61. Шом пайти. В.Страхов .....	42
62. Балиқ овида. А.Зверев .....	43
63. Капалаклар рақси. А.Зверев .....	44
64. Сайр. А.Зверев .....	44
65. Рақс 1. Ж.Наимова .....	45
66. Рақс 2. Ж.Наимова .....	46
67. Мушукча. Б.Трояновский қайта ишлаган .....	47
68. Кадриль. И.Тихонов-А.Шалов .....	48
69. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	49

**Муҳамедова Гулчеҳра Муродовна**

**ДУТОР ЎРГАНИШ  
АЛИФБОСИ**

*Музиқа ва санъат мактабларининг  
бошланғич синф ўқувчилари учун  
ўқув қўлланма*

*Муҳаррир Сотволди Каримович Каримов  
Рассом Умиркулова Гулноз Хидир қизи  
Компьютерда тайёрловчи Бахтиёр Шокирович Ашуров*

2010-йил 25.02.да босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/8 . Pragmatica Uzbek гарнитураси.  
6,5 шартли босма тобоқ. 6,75 нашр тобоғи. Адади 500 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

«Musiq» нашриёти. 100027. Тошкент, Б.Зокиров кўчаси, 1.

«SIVASH» МЧЖ да чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 24.

ISBN 978-9943-307-64-3



9 789943 307643